



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ортиков Ойбек Абдуллаевич

Тошкент давлат иқтисодий университетининг мустақил тадқиқотчиси, и.ф.н., доцент, Тошкент, Ўзбекистон

email: ortikova@gmail.com

orcid: <https://orcid.org/0009-0001-3696-7497>

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 8

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss8/a4

ABSTRACT

Банклар фаолиятида юқори банк технологияларининг кириб келиши банк хизматлари бозорини ўзгартириб бир қатор афзалликларни яратиб бермоқда. Мижозларга банк маҳсулотларини сотиш ва уларга банк хизматларини жараёнлари оптималлаштирилиб, рақамли банк хизматлари кенгайиб бормоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари бозори тадқиқ этилиб, унинг ўзгаришига хос тенденциялар ва мавжуд муаммолар ўрганилган ҳамда ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар берилган.

KEYWORDS

банк хизматлари бозори, чакана хизматлар, корпоратив хизматлар, онлайн хизматлар, тўлов операторлари, бизнес модел, банклараро рақобат, рақамли банк, хусусий банк, Марказий банк.

Кириш (Introduction/Введение).

Бугунги кунда банк хизматлари бозорида мижозлар билан ўзаро муносабатлар тамойилларини тубдан ўзгартириш ва мижозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб хизматларни таклиф этиш тижорат банкларининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Банк хизматлари бозорида банкларга рақобатчи ташкилотлар сонининг ошиб бориши, банклар даромадларининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Хусусан, банклар тўлов-воситачилик хизматларини кўрсатиш, тўлов ташкилотлари, яъни банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахслар, муддатли тўлов эвазига товар ва хизматларни реализация қилувчи субъектлар фаолиятининг кенгайиб бориши, банк хизматлари бозорида рақобатни янада кучайишига таъсир қилмоқда.

Банк хизматлари бозорида банк маҳсулотлари маржаси қисқариб, мижозлар учун кенг қамровли таклифларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Жумладан, банклар дебет айланма бўйича тарифларни текин қилиб, комисион даромадлар қисқариши ҳисобига маржиналлигини пасайган. Банклар томонидан мижозларга зарур воситаларни сотиб олиш учун юқори фоиз ставкада ажратиладиган кредитлар ўрнига ишлаб чиқарувчилар муддатли тўлов эвазига сотиш таклифини бериши банк кредитларининг маржиналлигини пасайтирмоқда. Бундан ташқари, мижозларга хизмат кўрсатиш муддатининг давомийлиги банкларнинг даромадлигининг ижобий омили бўлиб, мижоз билан муносабатлар қанчалик узоқ давом этса, ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам шунчалик фойдали бўлади. Банкнинг маржиналлигига банкнинг бизнес модели, ресурсларни фондлаштириш ва жорий молиялаштириш тузилмаси ҳамда риск аппетити таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари бозорида “банклар бизнес-моделларининг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотлари, инновациялар ва ахборот тизимларининг суёт ривожланганлиги сабабли молиявий

оммабопликнинг паст даражадалиги”, банк хизматлари оммаборлигини ошириш ва чакана банк хизматлари бозорини янада ривожлантиришни талаб этмоқда. [1]

Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари бозорида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларининг улуши юқори эканлиги банк хизматлари бозоридаги рақобат муҳитига салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг 1 январ ҳолатига банк хизматлари бозорида 35 та тижорат банки хизматлари таклиф этган. Шундан, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари сони 10 та ва бошқа банклар 25 тани ташкил этган. Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари бозорида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларининг улуши жами активларнинг 68 фоизини, кредитларнинг 71 фоизини ва жалб қилинган депозитларнинг 51 фоизини ташкил этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” Фармонида “давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайитириш” борасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш муҳим ҳисобланади. [1]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида турли мулкчилик шаклида банкларни ташкил этилиши, хусусан хориж капитали иштирокидаги банклар сонининг ошиши банклараро рақобат муҳитига ижобий таъсир қилмоқда ва банк хизматлари бозорининг ривожланишига туртки бермоқда. Бу эса, банк хизматлари бозорида банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига таклиф

этиладиган банк махсулотлари ва хизматлари таклифини оширмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Банк хизматлари ва банк хизматлари бозори маҳаллий ва хорижий тадқиқотчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ҳамда бугунги кунда маълум бир йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Банк ва унинг мижозлари (юридик ва jisмоний шахслар) учун банк махсулотлари, банк хизматлари ва банк операциялари тушунчаларининг маъносини билиш жуда муҳимдир.

Хорижий иқтисодчи олимлар халқаро банк хизматлари борасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчаларни аниқлашга эътибор беришган.

Америкалик иқтисодчи Питер Роуз банкни молиявий хизматлар кўрсатадиган компания сифатида қарайди ва банк операцияларини банк хизматларининг бир тури деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, у банк хизматлари сифатида банк фаолиятининг пул ва ресурсларни бошқариш, истеъмоладиган кредити, лизинг каби турларини таснифлайди ва истеъмоладиган кредити ва кредитлашни банк хизматлари сифатида таснифлайди. П.Роузнинг фикрича, банк хизматларининг асосий фарқловчи хусусияти, унинг қулайлиги ва турли молиявий ахборотлар ҳаракати билан боғлиқлиги, банк операциялари эса у ёки бу тарзда пул маблағлари ҳаракатининг турли шакллари билан идентификацияланган бўлади. [2]

В.М.Усоскин тижорат банклари жамиятда пул капитални тармоқлараро ва минтақалараро қайта тақсимлаш механизмини таъминловчи молиявий воситачилар деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, банкларнинг қуйидаги асосий операцияларини кўрсатиб ўтади: омонатларни қабул қилиш, кредитлар бериш ва нақд тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш. [3]

О.И.Лаврушин банк операцияларини банк функцияларининг амалда намоён бўлиши, банк хизматларини эса мижознинг маълум эҳтиёжларини қондирадиган ва мижознинг фойдасига маълум бир ҳақ эвазига банк операцияларини амалга оширадиган бир ёки бир нечта банк операциялари деб ҳисоблайди. [4]

Россиялик иқтисодчи олим Э.Ф.Жуков банк операцияларини актив ва пассивга ажратади ҳамда банкларнинг молиявий хизматлари қаторига лизинг, факторинг, форфейтинг, траст операциялари кабиларни киритиб, уларни фаолият турларига мувофиқ таснифини тадқиқ қилган. [5]

Р.Тожиёв ва Т.Раҳматовлар ўз тадқиқотларида “банк махсулоти - бу ҳар хил хизматлардир. Ишлаб чиқариш корхоналарининг хизматидан фарқи ўлароқ, банк хизмати моддий қўринишга эга эмас”лиги ҳусусида фикрларни баён этган. [6]

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг банк махсулоти ва хизматлари тўғрисида қарашларини умумлаштириб, ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги муаллиф таърифлари шакллантирилди:

Банк хизмати – тўлов эвазига мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун банк лицензияси асосида амалга ошириладиган банк фаолияти тушунилади. Айрим ҳолларда бюджет ташкилотлари ва банк тарифларига мувофиқ текинга амалга ошириладиган ҳолатларни кузатиш мумкин.

Банк махсулоти - муайян банк технологияларидан фойдаланиб алоҳида қўринишдаги банк фаолиятининг мижозлар талабини қондиришга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган банк хизматлари ва операциялари мажмуи ҳисобланади.

Банк махсулотларининг ҳар бир гуруҳи маълум бир бозор сегментида уларнинг мазмуни ва тузилишини белгилайди. Шунинг таъкидлаш муҳимки, банкларнинг махсулот ёки хизматларни яратиш ва сотишдаги муваффақияти кўп жihatдан банк хизматлари кўплаб мижозлар учун мавжуд бўлган операциялари билан белгиланади. Масалан, депозит махсулотлари бозорида юридик ва jisмоний шахсларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун банк қуйидаги операцияларни амалга оширади:

миллий ёки хорижий валютада ҳисобварақ очиш ва уни юритиш;

чек дафтарчаларини бериш;

нақд пулни қабул қилиш ва бериш;

ҳисобдан пул маблағларини ўтказиш;

ҳисобварақ бўйича жорий операцияларнинг кўчирмасини тақдим этиш ва бошқалар;

депозитлар билан боғлиқ рақамли банк хизматларини тақдим этиш.

Банк хизматлари бозори – иқтисодий субъектлари томонидан банклар пул ва молиявий деривативларига талаб ва таклифни шакллантиришнинг мураккаб соҳаси бўлиб, шерикларни эркин танлаш ва ўзаро муносабатларга киришиш билан тавсифланади. Ушбу муносабатларнинг ривожланиши банк хизматларига талаб ва таклифнинг ошишига ёрдам беради ва банк хизматлари миқдор ва сифатини оширишни рағбатлантиради.

Бунда мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, банк хизматлари бозорининг таркибий элементларини ўрганишни тақозо этиб, фикримизча қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим бўлади:

банк хизматлари бозорида пул-кредит муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларининг мавжудлиги;

банк хизматлари ишлаб чиқиш ва жорий этишда бозор механизмларига амал қилиш;

банк хизматларининг таннархи ва бозор нархини аниқлаш;

банк хизматлари бозорини давлат (регулятор) Марказий банк) томонидан тартибга солиниши;

мижозлар ва барча манфаатдор шахслар учун банк хизматлари бозорининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари шаффоф бўлиши;

бозор рақобатини доимий ривожлантириш;

банк хизматлари бозори иштирокчиларининг сони чекланмаганлиги.

Банк хизматлари бозори учун зарур инфратузилмани шакллантириш орқали банк бозорида банк хизматларини сотиб олиш ва сотиш бўйича талаб ва таклифни шакллантиришга хизмат қилувчи ташкилий-ҳуқуқий воситалар йиғиндиси сифатида белгиланади.

Айниқса банклар мижозларининг сони ошиши ва мижозлари ҳудудий чегарасининг кенгайиши натижасида банклар филиаллари сонини ошириш кўп харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги учун, мижозларига замонавий молиявий технологиялар имкониятларидан фойдаланиб масофадан банк хизматларини кўрсатишни талаб этади ҳамда ортқича куч ва харажатларсиз мижозлар сонини ва ҳудудий чегарасини ошириб бориш имкониятига эга бўлади [7].

Банк хизматлари бозорининг ривожланиш истикболлари ортиб бораётган рақобатни бартараф этиш, ўзгарувчан истеъмоладиган кадриятларига мослашиш ва миллий молия бозорида стратегик устуликларни сақлаб қолиш учун замонавий технологияларни жорий этишни ўз ичига олади [8].

Банк хизматлари бозорини ривожлантириш тизимли равишда янги махсулотларни жорий этиш, имкониятларни баҳолаш, реал шароитларда синовдан ўтказиш ва барқарор ўсиш ва рентабеллик учун банк мақсадларига мувофиқлигини таъминлаш лозим [9].

Рискларни самарали бошқариш орқали капитални бошқариш, банк хизматлари нархини оптималлаштириш имкониятлари ошади, натижада мижозларга қўшимча қулайликлар яратилади, банк даромадлиги ошади, акциядорлар манфаатдорлиги ортади [10].

Банк хизматлари бозори инфратузилмасининг асосий иштирокчилари қуйидагилар:

Марказий банк ва унинг ҳудудий муассасалари;

барча мулк шаклидаги тижорат банклари;

солиқлар ва йиғимлар тизими;

ахборот ва технологик тизимлар;

аудиторлик фирмалари, консалтинг компаниялари ва бошқалар.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).

Иқтисодий рақамлаштириш шароитида банклар фаолиятида уларнинг хизматларини ўрганиш масаласи муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Тижорат банклари юқори даражада ривожланган молиявий бозор шароитида маълум жиддий муаммоларга дуч келади. Шунингдек, глобаллашув тижорат банклари молиявий ҳолатига таъсир қилиб, хизматларини сифатли ташкил этишни биринчи даражага қўймоқда. Тижорат банклари ўз фаолиятлари жараёнида турли хизматларни бажарадилар. Банкнинг хизматлари таркибида етакчи ўринни кредит бериш хизматлари эгаллайди. Фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлик даражаси юқори ўрганилган талаб даражасида бўлишини назорат қилган ҳолда, хизматларнинг даромадлиги даражасига ҳам эътибор бериш зарур.

Мазкур мақолада гуруҳлаш, қиссий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез ва бошқа илмий билиш

узулларидадан фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари статистик ва амалий маълумотлари асосида таққослама таҳлиллар амалга оширилди.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ).

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига ва ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган хизматлар миқдор ва сифат кўрсаткичлари жиҳатидан халқаро банк амалиёти андозалари талабларига жавоб бериши муҳим аҳамият эга. Мамлакатда банклараро рақобат муҳити тўлиқ шаклланимаганлиги миқдорларга кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва сифатини оширишга салбий таъсир қилмоқда.

Тижорат банклари хизматларини иқтисодий мазмуни ва кўзланган мақсадига кўра, икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Маълум даражада банкнинг ликвидлигини сақлаб туриш учун бажариладиган хизматлар.

2. Даромад олиш мақсадида бажариладиган хизматлар. Ушбу икки хизматлар гуруҳи ўртасида маълум нисбат мавжуд бўлиб, у банк фаолиятини сифат жиҳатдан маълум даражада таъминлаб туриш имконини беради. Банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида бажариладиган хизматларнинг баъзилари банкка даромад келтирсада, улар мавжудлигининг сабаби банк умумий ликвидлигини маълум даражада ушлаб туришдан иборатдир.

Банк хизматлари бозори амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган банк хизматлари ва бошқа банк операциялари рўйхати билан чекланган, аммо банк фаолиятини ташкил этишни таъминлайдиган банкдан ташқари операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Банк хизматлари бозорини банк тизимининг вазифалари ва функциялари билан белгиланадиган қуйидаги учта сегментга ажратиш мумкин:

- пул ҳисоб-китобларини ташкил этиш бўйича хизматлар бозори;
- банк тизимига маблағларни жалб қилиш бўйича хизматлар бозори;

- жалб қилинган маблағларни жойлаштириш хизматлари бозори.

Банк хизматлари миқозлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилади ҳамда маркетинг тадқиқотлари асосида босқичма-босқич яратилади ва жорий этилади. Банк хизматлари фойда олишга қаратилган ўзаро манфаатли миқозлар талабларини бажариш учун зарур бўлган банк операциялари мажмуасидан иборат.



1-расм. Банк хизматлари бозорининг таснифи¹

Ўқоридаги 1-расм банк хизматлари бозорининг таснифини берилган. Банк хизматлари бозори маълум бир ҳудудда банк миқозларининг тегишли хизматлар турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун юзага келади муносабатлар тўплами. Банк хизматлари бозорида истеъмолчилар манфаатлари хизматларни сотувчилар манфаатларидан устун туради. Шу сабабли, соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мазкур бозорнинг зарурий таркибий қисми бўлиб, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва сифатини оширишнинг зарурий шarti бўлиб хизмат қилади.

Банк хизматлар бозорининг маҳсулот турлари бўйича таснифидан ташқари банк хизматларининг бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда гуруҳлаб ўрганиш мумкин. Банклар бўш маблағларни жалб қилиш ва уларни таваккалчилик асосида жойлаштириш ҳамда шу билан бирга воситачилик амалиётлари билан миқозларнинг эҳтиёжларини қондиради.

Бундан ташқари, банк хизматлари бозорини географик қамровини маҳаллий, минтақавий, миллий ва халқаро бозорларга бўлиш мумкин. Маҳаллий банк хизматлар бозори мамлакат ичида шаклланади ва Марказий банк томонидан берилган лицензияга мувофиқ банк хизматларини кўрсатади. Минтақавий қўшни давлатлар ёки маълум бир иттифок ҳудудини қамраб олади. Банк

хизматларининг халқаро бозорлари ҳам жаҳон жаҳон бозорида, ҳам алоҳида давлатлараро бирлашмалар даражасидаги банк хизматлари бозорларида ифодаланади.

Банк хизматларининг истеъмолчи турлари бўйича:

- корпоратив хизматлар бозори - тадбиркорлик субъектлари бозори;

- чакана хизматлар бозори - жисмоний шахслар бозори;

- давлат ташкилотлари бозори;

- молия-кредит муассасалари бозори.

Банк хизматларининг истеъмолчи турлари бўйича таснифини келтиришимизнинг асосий хусусияти банк тарифлари мазкур таснифга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда хизмат кўрсатиш тартиби амалий жиҳатдан фарқланади.

Банк миқозларининг банк билан бўлган муносабатлари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик асосида таснифлаш мумкин. Шу жиҳатдан, банк билан доимий муносабатларига қараб қуйидаги миқозларга бўлиш мумкин:

- доимий миқозлар - банк билан узоқ муддатли муносабатлари билан ажралиб туради ҳамда фақат битта банк банк хизматларидан фойдаланишга қаратилади.

- тасодифий (бир марталик, импульсли) миқозлар банкнинг хизматларидан бир марталик ёки қисқа муддатларда фойдаланувчи ёки тасодифан фойдаланадиган миқозлар ҳисобланади.

- потенциал миқозлар - банкнинг ўсиши ва ривожланиши учун замин яратиши ва банк фаолиятдан фойда олиш нияти ҳам аниқ, ҳам яширин (латент) шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Банк хизматлари бозори ўзининг институционал тузилишга кўра иқтисодиёт субъектлари ўртасида икки томонлама ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган яхлит механизмдир. Банк хизматлари бозори амалдаги қонунчилик ва халқаро қонунчилик талабларига мувофиқ тартибга солинади.



2-расм. Банк хизматлари бозорини ташкилий ва амалга ошириш механизми²

Марказий банк регулятор сифатида банк бозорини таҳлил қилиш ва банк хизматлар бозори барқарорлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб тартибга солиши зарур ҳисобланади.

Иқтисодиётда банк хизматлари бозорининг ҳолатини баҳолашда бозорнинг маълум бир хизматлари билан тўйинганлик даражасини ёки бозорнинг банк таъминланганлик даражасини баҳолаш учун сотилган хизматлар ҳажми ва маълум бир ҳудудда мавжуд бўлган маҳсулотнинг ҳақиқий ва потенциал харидорлари сони ўртасида нисбатдан фойдаланилади.

Жаҳон банки томонидан дунё мамлакатлари банк тизимида банк хизматлари билан таъминланганлигини баҳолаш мақсадида банк тармоқларидан фойдаланувчи миқозлар сони, банкларнинг кредит ва депозит хизматларидан фойдаланувчи миқозлар сони ва бошқа йўналишлар бўйича таҳлилларни амалга оширилади.

Қуйидаги 1-жавдалда мамлакатлар тижорат банклари тармоқлари сони келтирилган ва ушбу кўрсаткич орқали қанча шахсга хизматлар кўрсатиш билан таъминланганлик даражаси кўрсатишган. Ушбу маълумотларда муомала лаёқатига эга банк ҳисобварақлари очиш ва банк хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлган аҳоли ҳисобга олинган.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, давлатлар кесимида бекарорлик кузатилган ва ривожланган давлатларда қанчалик кузатилган бўлса, ривожланаётган давлатларда эса, банк тармоқлари сони ҳар 100 минг кишига нисбатан ўсиш тенденциясини намоён этган. Сўнгги 5 йилликда ривожланган давлатларда қанчалик тенденцияси банк хизматлари анъанавий шаклидан онлайн шаклга

Maxsus son 2024

Ўтказилиши билан боғлиқ ва банкларнинг мавжуд айрим тармоқлари қисқариши ҳисобига камайиш юз берган.

1-жадвал

Тижорат банклари филиаллари сони ўзгариши³

(100 000 нафар кишига)

Давлат номи	Йиллар					Ўзгариши	
	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	сонда	%
Италия	44,6	40,9	39,2	37,7	34,5	-10,1	-23%
Қозғоғистон	2,8	15,2	14,7	14,1	13,1	10,3	365%

2-жадвал

Тижорат банкларидаги депозитлар сони ўзгариши⁴

(1 000 нафарга)

Давлат номи	Йиллар					Ўзгариши	
	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	сонда	%
Аргентина	1 148,2	1 214,4	1 180,8	1 357,5	1 417,8	269,6	23%
Италия	667,6	720,6	691,0	716,6	733,5	65,9	10%
Латвия	1 395,6	1 343,9	1 252,1	1 265,5	1 282,1	-113,5	-8%
Малайзия	708,8	705,2	708,4	705,9	714,4	5,6	1%
Туркия	1 345,7	1 463,5	1 593,9	1 777,5	1 913,7	568,1	42%
Ўзбекистон	576,2	600,8	593,2	622,7	687,8	111,6	19%

Қозғоғистон ва Ўзбекистонда ўсиш тенденция кузатилиб, 2022 йилнинг 1 январ ҳолатига Қозғоғистонда 13,1 тани ташкил этган 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 10,3 тага ёки 365 фоизга ошган. Ўзбекистон банк тизимида 48,0 тани ташкил этган ва таҳлил даврида нисбатан 10,1 тага ёки 27 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал маълумотларидан, давлатлар кесимида ақсарият давлатларда ўсиш кузатилгани ҳолда Латвияда қисқариш юз берган ва ушбу ҳолат давлат аҳолининг қисқариши ҳисобига омонатчилар сони камайган. Таҳлил даврида Туркия банк тизимида юзага келган ва 2022 йил бошида 1 913,7 тани ташкил этган. Шунингдек, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатида ҳам таҳлил қилинган давлатлар ичида энг кўп депозитлар очилган давлат бўлган. Сўнгги 5 йилликда банкларда депозит ҳисобварақлар очишда ўсиш кузатилган ва бунда бир шахснинг очган барча ҳисобварақлари киритилган. Ўзбекистонда ўсиш тенденция кузатилиб, таҳлил даврига 111,6 тага ёки 19 фоизга ўсган.

Таҳлил даврида банк тизимидаги кредит ажратилган қарздорлар сони ҳар 1000 нафар шахсга нисбатан баҳоланганда давлатлар кесимида бекарорлик

3-жадвал

Тижорат банкларидаги қарз олувчилар сони ўзгариши⁵

(1000 нафарга)

Давлат номи	Йиллар					Ўзгариши	
	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	сонда	%
Аргентина	395,63	407,36	407,32	396,44	390,76	-4,9	-1%
Италия	538,1	529,37	552,22	552,48	555,25	17,2	3%
Латвия	327,64	323,1	313,54	297,07	294,82	-32,8	-10%
Малайзия	319,78	318,45	313,82	311,03	309,41	-10,4	-3%
Туркия	799,64	773,11	761,73	846,75	872,71	73,1	9%
Ўзбекистон	88,26	113,58	152,92	177,16	210,67	122,4	139%

3-жадвал маълумотларидан Ўзбекистон банк тизимида кескин ўсиш юзага келганлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон банк тизимида чакана кредитлаш амалиётларининг юқори суратларда ўсиши ҳисобига юз берган. Латвия ва Малайзия давлатларида қисқариш юз берган Туркия банк тизими кредит олган

References:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>
- Роуз Питер С. Р 58. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. "Дело Лтд", 1995. - 768 с. ISBN 0-256-11557-5 (англ.) ISBN 5-86461-769 стр.
- Банковское дело: Учебник / Под ред. Е.Ф. Жукова, Н.Д. Эриашвили. - М.: Юнити, 2016. — 687 с.
- Банковское дело: учебник / О. И. Лаврушин, Н. Е. Бровкина, Н. И. Валенцева [и др.]; под ред. О. И. Лаврушина. - Москва : КноРус, 2023. - 630 с. ISBN 978-5-406-10408-8. - URL: <https://book.ru/book/945191>.
- Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. Изд. стереотип. 2019. 328 с.
- Тожиёв Р., Раҳматов Т. Замонавий шароитда банк хизматлар бозорининг назарий жиҳатлари // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. B.1-11.
- Мамадияров, З. (2023). Ўзбекистонда банк хизматларини рақамли трансформация қилишга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Страховой рынок Узбекистана, 1(4), 39–45. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/68>
- Kasiya, Alexandrovna, Kirdasina, N., Omarbekova, B., S., Tolysbaev., Zhuldyz, Sayranova., I.D., Ashimova. (2022). Digital transformation of banking services: development scenarios and management mechanisms. Eastern-European Journal of Enterprise Technologies, doi: 10.15587/1729-4061.2022.266542
- S.S.Rafiev. (2022). Development Strategy of Banking Activity. Ekonomičnij visnik Donbasu, doi: 10.12958/1817-3772-2022-4(70)-26-28